

**Инглиз ва ўзбек тилларида таксиснинг кейинлик микро-майдони  
ифодаланиши таҳлили.**

Атрофимизда содир бўлаётган воқеалар ривожининг кетма – кетлиги, улар орасидаги тартиб, изчиллик, узвийлик ҳамда тадрижий вақт муносабатларини тилда яъни лисоний акс эттириш ва унинг таҳлили таксиснинг майдон сифатида ўрганилиш эҳтиёжини юзага келтиради.

Р. О. Якобсоннинг фикрига кўра “ Таксис (грек тилидан олинган бўлиб, тартиб, жойлашув, тузилиш, сафланиш каби маъноларни ифодалайди) – ҳаракатлар ўртасидаги бир пайтлилик // турли пайтлилик, ҳаракатнинг узилиши, биринчи ва иккинчи даражали ҳаракатларнинг ўзаро муносабати, кейин келиш // олдин келиш каби пайт жиҳатидан тартиб (хронологик) муносабатларни кўрсатиш билан тавсифланувчи тил категориясидир ”.

Таксиснинг кейинлик микро- майдони бу – бир полипредикатив комплекс доирасида келтирилган фактларнинг бир-бирига нисбатан бир бутун (яхлит) вақт даврида бирининг иккинчисидан кейин жой олиши, яъни содир бўлишидир. Бу хусусда И.П. Верховскаянинг “Видо-временные формы в английском сложноподчиненном предложении” номли рисоласи кейин келиш муносабатини ифодаловчи воситаларни излаб топишимизда асос хизматини ўтайди. Жумладан, шундай таҳлилий фикрлар келтирилади: “Инглиз тили грамматикаларида кейин келиш муносабатининг фақат бир тури ажратилади. Унда эргаш гапнинг ҳаракати келаси замонга тааллуқли бўлиб, ҳали содир бўлмаган бўлади. Бош гапнинг ҳаракати эса, ҳар доим амалга ошган бўлади. Келаси замонга тегишлилик а) ўтган замон нуқтаи назаридан (фёъл замон формаси нисбий қўлланилган ҳолатда) б) реал (фёъл замон формаси абсолют қўлланилган ҳолатда) бўлади”. Бундан англашиладики, биринчи ҳолатда эргаш гапда **Future-in-the-Past** ёки, баъзан **Future Continuous-in-the-Past** нисбий замон формаларини учратамиз. Мисол учун:

“I’d no idea you would tell somebody about it”.

Ўзбек тилида бу гап “Бу ҳақда кимгадир айтасан деб ўйламасдим ” тарзида содда гап шаклида ўз ифодасини топади.

Кейинлик маъносини ифодалашнинг иккинчи ҳолатида эса, замонни абсолют тарзда ифодаловчи **Future Indefinite** ёки, баъзан **Future Continuous** иштирок этади:

- “They got ready everything that there will be a meeting there tomorrow”.

Ўзбек тилида бу гапни қуйидагича ифодалаш мумкин:

- “Улар эртага бу ерда мажлис ўтказилишига барча нарсани тахт қилиб қўйишди.”

Содда гап шаклида таржима қилинган ушбу жумлада “ўтказилиши” ҳаракат номи феъли кейинлик маъносини ифодалаб келмоқда. Кўриниб турибдики, факт (ҳаракат, жараён) бошқа бир фактга нисбатан кейин содир бўлиши таксиснинг кейинлик микро-майдонини юзага келтирмоқда.

Таксиснинг нисбий замонлардан бири **Future-in-the-Past** ёрдамида ифодаланиши бизга маълум. Демак, нисбий замоннинг ўзи таксис, яъни кейин келиш маъносини ифодаловчи восита бўлиб хизмат қилади дейиш мумкин. Нисбий замон ва таксис айнан бир гап таркибида мавжуд бўлиши айрим тилшунослар томонидан бир тил категорияси сифатида баҳоланишига ҳам сабабчи бўлди. Бошқалари эса икки грамматик категориянинг бир формада ифодаланмаслигини илгари сурган ҳолда, фақат таксис ёки нисбий замон бор деган фикрни ёқлаб чиқишди. Аммо нисбий замон бўлган ифодаларда таксиснинг ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаслиги ва таксис мавжуд бўлган ҳамма ҳолларда ҳам нисбий замоннинг шакллари учрамаслиги бу фикрни ёқламайди. Чунки, таксис бошқа воситалар: лексик воситалар, перфект, турли замон шакллари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Таксисни турли замон шакллари бир полипредикатив комплекс ичида яъни, эргашган қўшма гапларда ҳаракатларнинг ўзаро муносабатга киришишида кузатиш мумкин. Мисол учун:

- “During the lesson the students shared their ideas which they think about the new theme which would be discussed at the next lessons”.

Ушбу гапда биринчи аниқловчи эргаш гапнинг ҳаракати бош гапнинг ҳаракатига нисбатан бир пайтлилик муносабатида турибди. Иккинчи аниқловчи эргаш гап (which would be discussed) эса ўзидан олдин келтирилган икки факт (бош гап ва биринчи аниқловчи эргаш гап) га нисбатан кейин келиш, содир бўлиш муносабатида ҳисобланади. Ўзбек тилида бу эргашган қўшма гапни мураккаб аниқловчили содда гапга айлантириш мумкин:

- “Дарс давомида талабалар кейинги дарсларда ҳам муҳокама этиладиган янги мавзу ҳақидаги ўйлаган фикрларини бир-бирларига ўртоқлашишди”.

Ўзбек тилида “шу” кўрсатиш олмоши билан ясаладиган эга, кесим, аниқловчи, ҳол эргаш гапли қўшма гаплар мавжудки, бу қўшма гаплар таркибидаги икки ёки ундан ортиқ ҳаракатлар ўзаро муносабатида таксиснинг кейинлик микро-майдонини кузатиш мумкин. Мисол учун:

- “Подшоҳ ҳазратлари, биз умид эдюрмизки, сиз шоҳ ҳазратларининг буюк мададлари ила яна Самарқанд тахтига чиққанингизда азиз бошингизда шу муқаддас дасторни кўришга муяссар ўлурмиз!”.<sup>1</sup>

Ушбу аниқловчили эргаш қўшма гапда “шунини” сўзи тушириб қолдирилган. Бош гапдаги фактни изоҳлаб келаётган эргаш гапдаги факт кейинлик маъносига эга.

Бундан ташқари инглиз тилида Homogeneous Predicative Construction(Уюшиқ кесим) + And; формасидаги полипредикативли қўшма гаплар учрайдики, бундай фактлар кетма-кетлигида ҳам таксиснинг кейин содир бўлиш микро-майдонини кузатиш мумкин:

- “We came into the room and I allowed him to speak on the phone.”

Бундан кўриниб турибдики, бир қатор ўтган замон фактлари(ҳаракатлар занжири) ни ифодалашда улар бирин-кетин содир бўлган бўлса, Past Indefinite дан инглиз тилида кейин келиш таксис муносабатини ифодаловчи восита сифатида фойдаланиш мумкин экан.

---

<sup>1</sup> П. Қодиров “Юлдузли тунлар; Бобур” Роман. – Т.: Ўзбекистон, 1990. 313-бет.

Уюшиқ кесимли феълларни ҳам айнан шу муносабатли таксисга мисол қилиб келтириш мумкин:

- “I left the house and hurried to the station.”

Бир қарашда ҳаракатлар бир пайтда содир бўлаётгандек кўринса-да, мантиқан, улар турли пайтлилик яъни бирин-кетинлик муносабатига эга. Ўзбек тилида ҳам бундай муносабатли бириккан полипредикатив комплексли гапларни учратиш мумкин:

-“Тоҳир билан Маҳмуд аррани қўйиб, яна болтани қўлга олишди, қоронғида тимирскиланиб, болорларга тишлатилган қавс михлардан беш-олтитасини топишди ва кўчириб ташлашди.”<sup>2</sup>

Бундан ташқари ўзбек тилида қўшма гап таркибидаги содда гап кесимлари ёки уюшиб келган кесимлар равишдош ясовчи қўшимчалар: -б, -иб, -гач, -қач ва бошқа шу қабилар билан бир неча фактлар бирин-кетинлигини ҳосил қилиб келади:

- “Абдулҳаким соқчининг айтганини қилиб, аввал тўғрига юрибди, сўнгра ўннга бурилибди, зинапоядан қўтарилгач, чапга юриб эшик оғасига кўзи тушибди.”<sup>3</sup>

Таксиснинг кейинлик маъносини ифодалашда шарт эргашган қўшма гаплар (Adverbial Clauses of Condition) синтактик восита сифатида хизмат қилади. Шарт эргашган қўшма гапларда “сабаб ва оқибат” муносабати мавжудки, бундай гаплар таксиснинг “кейин келиш” маъносини ифодалайди. Зеро, оқибат(натижа) одатда сабабга эргашиб келади. Аммо шарт эргаш гапларда турли-пайтлилик муносабати(олдин келиш ва кейин келиш)ни ҳам учратиш мумкин. Сабаби, кейин келиш бор жойда, мантиқан, олдин келиш ҳам мавжуд бўлади. Мисол учун:

- “If I see him tomorrow, I shall ask him about it”.

Бу гап ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади:

- “Агар эртага уни кўрсам, ундан бу ҳақда сўрайман”.

---

<sup>2</sup> П. Қодиров “Юлдузли тунлар; Бобур” Роман. – Т.: Ўзбекистон, 1990. 59-бет.

<sup>3</sup> “Эл деса Навоийни”. (Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақида ривоятлар) // Тўпл. ва нашр. тайёрловчи М. Жўраев. Т. Чўлпон, 1991. 68-бет.

Нореал ҳаракатлар муносабатида келган шарт эргаш гаплар таркибида ҳам таксиснинг кейин келиш ҳолатини учратиш мумкин. Жумладан, қуйидаги мисолда буни кузатиш мумкин:

- If I had the time, I would go to the movie with you this weekend.
- If you had told me about it, I should have helped you.

Иккала ҳолатда ҳам ҳаракатлар нореаллиги, содир бўлиш ёки бўлмаслиги таксис учун аҳамиятли эмас. Яъни таксис учун факт(ҳаракат) маъносининг ўзи кифоя. Сабаби, А. В. Бондарко таъбири билан айтганда, таксис реал борликдаги (тилдан ташқаридаги) ҳаракатларнинг ўзини эмас, балки уларнинг лисоний аксини тавсифлайди.

May, must, should, ought модал феълларидан ва to expect, to intend, to hope, to want ва бошқа шу каби феъллардан кейин инфинитив кўлланилганида, у келаси замонга тааллуқли бўлган ҳаракатни ифодалайди. He may do it tomorrow. (У буни эртага қилиши мумкин). We hope to see our teacher at the next lesson. (Биз кейинги дарс ўзимизнинг ўқитувчимизни кўришни умид қиламиз).

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кейин келиш муносабати инглиз ва ўзбек тилларида айнан бир содир бўлган ёки содир бўлмаган факт(ҳодиса, ҳаракат, ҳолат, жараён) ни бошқа бир содир бўлган ёки бўлмаган фактдан кейин содир бўлишини акс эттиради ва турли лексик, грамматик воситалар билан ифодаланиб, ўтган, ҳозирги ва келаси замонларда намоён бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бондарко А.В. Функциональная грамматика. – Л. : Наука, 1984.
2. Верховская И.П. Видо-временные формы в английском сложноподчиненном предложении. – М.: Высшая школа, 1980.
3. О.Р. Исаров «Инглиз тилида таксиснинг ифодаланиши таҳлили». Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. Тошкент – 2009.